



ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19402145>

Мирзакаримов Х.Ю

Фаргона вилояти, Тошлоқ тумани 11-мактаб чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада Жалолiddин Мангубердининг жанговар мероси, унинг ҳарбий маҳорати ва шахсий жасоратининг мазмун-моҳияти илмий таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур мероснинг бугунги кунда ёшлар ватанпарварлик тарбиясида тутган ўрни, унинг маънавий-ахлоқий аҳамияти ва таълим жараёнида қўллаш имкониятлари ёритилади.

Калит сўзлар: Жалолiddин Мангуберди, ватанпарварлик, ҳарбий мерос, миллий тарбия, ёшлар сиёсати, тарихий хотира, маънавият.

Аннотация: В данной статье проводится научный анализ содержания и сущности военного наследия Джалолiddина Мангуберди, его военного мастерства и личной храбрости. Также освещается роль этого наследия в патриотическом воспитании молодежи сегодня, его духовно-нравственное значение и возможности его применения в образовательном процессе.

Ключевые слова: Джалолiddин Мангуберди, патриотизм, военное наследие, национальное образование, молодежная политика, историческая память, духовность.

Abstract: This article provides a scientific analysis of the content and essence of Jaloliddin Manguberdi's military legacy, his military skill, and personal bravery. It also highlights the role of this legacy in the patriotic education of youth today, its spiritual and moral significance, and the potential for its application in the educational process.

Keywords: Jaloliddin Manguberdi, patriotism, military legacy, national education, youth policy, historical memory, spirituality.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон мафкуравий майдонида кечаётган глобаллашув жараёнлари миллий кадриятлар ва анъаналарни асрашни янада долзарб масалага айлантормоқда. Айниқса, ёш

авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар бир жамиятнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Таълим ва тарбия жараёнида ҳар-бир халқ, миллат ўзининг тарихий шахслари моддий ва



маънавий меросидан самарали фойдаланган миллий ғурур, миллий бирдамлик каби фуқаролик сифатларини ривожлантиришдаги педагогик жараёнга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ урғу бериш зарурлигини кўрсатмоқда. Ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ривожлантиришда маънавий ва ҳарбий меъросини ўрганишимиз керак бўлган ана шундай аждодларимиздан бири Жалолоддин Мангубердидир.

Жалолоддин Мангуберди — нафақат ўз даврининг буюк саркардаси, балки Ватан озодлиги учун жон фидо қилган миллий қаҳрамондир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ёшлар тарбиясида муҳим маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

Асосий қисм

Жалолоддин Мангубердининг ҳаётий фаолиятини ўрганиш орқали ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий-сиёсий фаолияти

Жалолоддин Мангуберди Хоразмшоҳлар давлати сўнгги ҳукмдори сифатида XIII асрда мўғул босқинчиларига қарши қаттиқ кураш олиб борган. Унинг ҳарбий фаолиятида стратегик фикрлаш, тезкор қарор қабул қилиш ва кўшинни бошқариш маҳорати яққол намоён бўлади.

Тарихчи Шихобиддин Муҳаммад ан Насавийнинг “Султон Жалолоддин Муҳаммад ҳаёти тавсилоти” асарида

гувоҳлик беришича, у бир неча бор сон жиҳатдан устун бўлган душманга қарши муваффақиятли жанглар олиб борган. Султон Жалолоддиннинг 1221-йилдаги Синд дарёси бўйидаги машҳур жанги эса унинг қаҳрамонлигини бутун дунёга намоён этди.

Жанговар мероснинг таркибий жиҳатлари

Жалолоддин Мангубердининг жанговар мероси қуйидаги асосий элементлардан иборат:

стратегик тафаккур – ҳарбий ҳаракатларни режалаштириш ва вазиятни тўғри баҳолаш;

жасорат ва матонат – оғир шароитларда ҳам курашни давом эттириш;

ватанпарварлик – юрт озодлиги ва мустақиллиги учун фидойилик;

лидерлик қобилияти – кўшинни руҳлантириш ва бошқариш.

Бу жиҳатлар унинг шахсини нафақат тарихий, балки тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим намунага айлантиради.

Ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги психологик ва педагогик аҳамияти

Жалолоддин Мангуберди образи ёшларда қуйидаги психологик хусусиятларни шакллантиради:

кийинчиликларга чидамлилик;

мақсадга интилувчанлик;

масбулият ҳисси;

миллий ифтихор;



Педагогик нуқтаи назардан, унинг ҳаётини ўрганиш орқали таълим жараёнида:

интерактив дарслар ташкил этиш;
тарихий ролли ўйинлар ўтказиш;
муаммоли вазиятлар асосида таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Замонавий таълимда қўллаш имкониятлари

Ҳозирги таълим тизимида Жалолiddин Мангуберди меросини қуйидаги йўналишларда қўллаш самарали ҳисобланади:

тарих ва маънавият дарсларида кейс-стади усулида;

ватанпарварлик тадбирлари ва маънавий кечаларда;

хужжатли ва бадиий филмлар орқали;

ёшлар ташкилотлари фаолиятида тарбиявий восита сифатида қўллаш орқали уларда миллий ўзликни англаш кучаяди.

Миллий ғоя ва тарихий хотирани шакллантиришдаги ўрни

Жалолiddин Мангуберди шахси миллий ғояни шакллантиришда муҳим рамзлардан бири ҳисобланади. Унинг жасорати ва фидойилиги ёшларда тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва уларни Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди ва ўз Ватани учун охиригача курашган қаҳрамон сифатида ёшларда:

ўз миллатидан фахрланиш;

тарихга ҳурмат;

аждодлар меросига садоқат каби туйғуларни шакллантиради. Унинг жасорати ёшларга ҳаётини идеални англаш имкониятини ривожлантиради.

ХУЛОСА

Жалолiddин Мангубердининг жанговар мероси ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида муҳим маънавий ва амалий аҳамиятга эга. Унинг ҳаёти ёшлар учун жасорат, фидойилик ва Ватанга муҳаббат тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун унинг меросини таълим ва тарбия жараёнида кенг ўрганиш баркамол, ватанпарвар авлодни тарбиялашда беқиёс манбаа бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 2018.
2. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. – Т.: Маънавият, 2016.
3. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома.
4. Бартольд В.В. Туркистон тарихи.
5. Рашидиддин. Жомеъ ат-таворих.
6. Шихобиддин Муҳаммад ан Насавий. Султон Жалолiddин Муҳаммад ҳаёти тавсилоти.